

Иш рақами

Биринчи инстанцияда раислик
қилган судья – Д.Олимов

Апелляция инстанциясида
маърузачи судья-Ш.Курбонов

НАМАНГАН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2025 йил ноябрь ойининг 26 куни, Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг очик суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: А.Инамов,

ҳайъат судьялари: Д.Мадаминов ва Ш.Курбоновдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Х.Жўраевнинг котиблигида, тарафлардан Наманган вилояти прокуратураси бўлими катта прокурори Р.Одилов, судланган Х.А ва унинг ҳимоячиси – адвокат У.Тожибоев, жабрланганлар С.Н, У.И, Х.У, Н.Х, Т.Бнинг иштирокида, Х.Ага оид жиноят ишини унинг апелляция шикоятига асосан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Янгиқўрғон туман судининг 2025 йил 24 октябрдаги ҳукмига кўра:

Х.А, 19** йил ** майда Янгиқўрғон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Косонсой туман судининг 2025 йил 18 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “в,г” бандлари билан 45-моддаси қўлланиб, 1 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 57-моддаси қўлланиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 баравари миқдоридаги 15.000.000 сўм жарима жазоси тайинланган, жарима тўланмаган, АТ “***” Янгиқўрғон тумани БХМ мижозлар ишлаш лавозимида ишлаган, Янгиқўрғон тумани, “***” МФЙ, *** кўчаси, **-уйда яшаган, 2025 йил 24 октябрдан қамоқда сақланаётганга, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,в,г” бандлари билан 45-моддаси қўлланиб, 1 йил 6 ой мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 57-моддаси қўлланиб, 3 йил озодликдан маҳрум қилиш, 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида 2 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 баравари миқдорида 15.000.000 сўм жарима ва 3 йил озодликдан маҳрум қилиш, 62-моддаси тартибида 2 йил 9 ой 20 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Судланган Х.Адан жабрланганлар С.Нга 49.225.000 сўм, У.Ига 24.258.660 сўм, Х.Уга 72.129.330 сўм, Н.Хга 32.749.191 сўм, Т.Бга 40.000.000 сўм ундириш, депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 110.000.000 сўм жабрланганлар С.Н, У.И,



Х.У, Н.Х, Т.Бга муносиб равишда тенг тақсимлаш белгиланган.

Тарафларга етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарлар бўйича келгусида тегишли хужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик судига муурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Х.А АТ “*****” Янгиқўрғон тумани БХМ мижозлар ишлаш лавозимида ишлаб келиб, 2024 йил апрель ойида С.Ндан етти кунда қайтаришини алдаб айтиб, унинг 49.700.000 сўм пулларини;

2024 йил июнь ойида У.Идан уч ойда қайтаришини алдаб айтиб, унинг 2.000 АҚШ (1x12614,80=25.229.600) долларини;

2024 йил июль ойида Б.Кдан саккиз ойда қайтариб беришини алдаб айтиб, унинг 25.600.000 сўм миқдорида пулларини;

2024 йил июль ойида Х.Уга Наманган шаҳри, “Сардоба” бозори атрофида жойлашган дорихонасини юрғазиш мақсадида пул кераклигини, бир йилда қайтариб беришини алдаб айтиб, унинг 60.000.000 сўм ҳамда 1.000 АҚШ (1x12614,80=12.614.800) доллари миқдоридаги пулларини;

2025 йил январь ойида Н.Хга қайнотаси касал эканлигини, уни Тошкент шаҳрига олиб бориб даволатиб келишини алдаб айтиб, бир ой ичида қайтариб бериш шarti билан дастлаб 2.000 АҚШ (1x12971,00=25.942.000) доллари миқдоридаги пулларини, орадан 15 кун ўтиб, банкга кредит тўловларини тўлаш кераклигини алдаб айтиб, унинг яна 1.000 АҚШ (1x12971,00=12.971.000) доллари пулларини;

2025 йил март ойида Т.Бга пластик картасидаги 48.000.000 сўм миқдоридаги пулларини АҚШ долларига алмаштириб беришини алдаб айтиб, унинг 48.000.000 сўм пулларини;

2025 йил март ойида Р.Қга “*****”га катта қизи Д.Ю номида бўлган кредит тўловини навбат кўплиги учун ўзи тўлаб қўйишини алдаб айтиб, унинг 1.000.000 сўм пулларини;

бундан ташқари, Х.А АТ “*****” Янгиқўрғон тумани БХМ мижозлар ишлаш лавозимида ишлаб келиб, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, ахборот технологияларидан фойдаланиб, 2025 йил 8 июль куни С.Ага тегишли уяли телефон аппаратидаги “Хазна” номли иловадан фойдаланиб, ушбу иловани ишлатиб беришини алдаб айтиб, илова орқали С.Анинг пластик картасидаги 4.271.000 сўм миқдоридаги пулларини такроран фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда айбли деб топилган.

Судланган Х.А апелляция шикоятда, жиноят иши бўйича етказилган зарар депозит ҳисоб рақамига топширилгани сабабли озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Жабрланганлар С.Н, У.И, Х.У, Н.Х, Т.Б эътирозномаларида, етказилган зарарни ундириб беришни сўрашган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья Ш.Қурбоновнинг маърузасини, судланган Х.А, ҳимоячи У.Тожибоев, жабрланганлар С.Н, У.И, Х.У, Н.Х, Т.Б ҳамда прокурор Р.Одиловнинг апелляция шикоятини қаноатлантириб, судланган Х.Ага озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятдаги важларни жиноят иши ҳужжатлари асосида муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини қонунга мувофиқлаштирган ҳолда ўзгартириб, апелляция шикоятини қаноатлантиришни



лозим топди.

Судланган Х.Анинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, ўзининг айбига иқрор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланганлар С.Н, У.И, Х.У, Н.Х ва Т.Бнинг суддаги айбини фош этувчи кўрсатувлари, жиноят ишидаги жабрланганларнинг аризалари, тушунтириш хатлари, нарсани олиш ва кўздан кечириш, юзлаштириш баённомалари, тилхат, смс ёхишмалар, АТ “*****” Янгиқўрғон филиали маълумотномаси, фотоиловалар ҳамда жиноят ишида тўпланган ва суд терговидан текширилган бошқа далиллар йиғиндиси билан исботланган.

Биринчи инстанция суди Х.Анинг АТ “*****” Янгиқўрғон тумани БХМ мижозлар ишлаш лавозимида ишлаб келиб, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, ахборот технологияларидан фойдаланиб, ўзгаларнинг пулларини такроран фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда ифодаланган ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,в,г” бандлари билан тўғри квалификация қилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида, “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олиниши, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эгаллиги, тўғридан-тўғри амал қилиши ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этиши;

20-моддасида, инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо одиллона бўлиши, жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида, суд жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиши;

3-бандида, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланиши тушунтирилган.

Суд, юқоридаги Қонун ва Пленум қарори тушунтиришларига амал қилган ҳолда, Х.Ага нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг айбига иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, айбини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, етказилган зарарларни қисман қопланганини инобатга олиб, жиноятни хизмат мавқеидан



фойдаланган ҳолда содир этганлиги ҳолатидан келиб чиқиб, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилган ҳолда ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилган энг кам озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам камроғини тайинлаб, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида жиноят ишлари бўйича Косонсой туман судининг 2025 йил 18 августдаги ҳукми билан тайинланган жарима жазосини мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қўшиб, узил-кесил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, жарима ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, қонуний, асосли ва адолатли қарорга келган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмида, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги кўрсатилган.

Суд ҳукмида, судланган Х.Адан жабрланганлар С.Нга 49.225.000 сўм, У.Ига 24.258.660 сўм, Х.Уга 72.129.330 сўм, Н.Хга 32.749.191 сўм, Т.Бга 40.000.000 сўм зарар ундириш белгиланган.

Судланган Х.А апелляция инстанцияси судида, жабрланганларга нисбатан етказилган зарар яқин қариндошлари томонидан тўлангани, айбига иқроор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини инобатга олиб, унга тайинланган жазони енгилроқ жазога алмаштириб беришни сўради.

Жабрланган Х.У апелляция инстанция судида, суд ҳукми билан ундирилиши белгиланган 72.129.330 сўм моддий зарардан судланган Х.Анинг яқин қариндошлари томонидан 41.600.000 сўм нақд пул шаклида тўлангани, қолган 30.529.330 сўм зарарни судланган Х.А томонидан ИИБнинг депозит ҳисоб рақамига тўланган 110.000.000 сўм ҳисобидан қоплаб беришни сўраши, ҳозирда судланганга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида;

жабрланган С.Н апелляция инстанция судида, суд ҳукми билан ундирилиши белгиланган 49.225.000 сўм моддий зарардан судланган Х.Анинг яқин қариндошлари томонидан 30.600.000 сўм нақд пул шаклида тўлангани, қолган 18.625.000 сўм зарарни судланган Х.А томонидан ИИБнинг депозит ҳисоб рақамига тўланган 110.000.000 сўм ҳисобидан қоплаб беришни сўраши, ҳозирда судланганга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида;

жабрланган У.И апелляция инстанция судида, суд ҳукми билан ундирилиши белгиланган 24.258.660 сўм моддий зарардан судланган Х.Анинг яқин қариндошлари томонидан 11.600.000 сўм нақд пул шаклида тўлангани, қолган 12.658.660 сўм зарарни судланган Х.А томонидан ИИБнинг депозит ҳисоб рақамига тўланган 110.000.000 сўм ҳисобидан қоплаб беришни сўраши, ҳозирда судланганга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида;

жабрланган Н.Х апелляция инстанция судида, суд ҳукми билан ундирилиши белгиланган 32.749.191 сўм моддий зарардан судланган Х.Анинг яқин қариндошлари томонидан 24.600.000 сўм нақд пул шаклида тўлангани, қолган 8.149.191 сўм зарарни судланган Х.А томонидан ИИБнинг депозит ҳисоб рақамига тўланган 110.000.000 сўм ҳисобидан қоплаб беришни сўраши, ҳозирда судланганга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида;

Жабрланган Т.Б апелляция инстанция судида, суд ҳукми билан ундирилиши белгиланган 40.000.000 сўм моддий зарарни судланган Х.А томонидан ИИБнинг депозит ҳисоб рақамига тўланган 110.000.000 сўм ҳисобидан қоплаб беришни



сўраши, ҳозирда судланганга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатувлар беришди.

Шунга кўра, апелляция инстанцияси суд ҳукмини қонунга мувофиқлаштирган ҳолда ўзгартириб, Х.Ага ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,в,г” бандлари билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини 57-моддаси қўллаб, қонун санкциясида назарда тутилган энг кам жарима жазосидан ҳам камроқ жарима жазосига ўзгартиришни, 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиб, узил-кесил жарима жазоси тайинлашни, 62-моддаси тартибида унинг 2025 йил 16 августдан 18 августгача дастлабки қамоқда, 2025 йил 18 августдан 24 октябргача уй қамоғида, 2025 йил 24 октябрдан 26 ноябрга қадар қамоқда сақланган 3 ой 10 кунининг ҳар бир кунини базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган жарима жазосидан чегиришни;

Наманган вилоят ИИБнинг депозит ҳисоб рақамига топширилган 110.000.000 сўм пуллардан жабрланганлар Х.Уга 30.529.330 сўм, С.Нга 18.625.000 сўм, У.Ига 12.658.660 сўм, Н.Хга 8.149.000 сўм, Т.Бга 40.000.000 сўм олиб беришни, апелляция шикоятини қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497¹⁷, 497¹⁸, 497²⁶, 497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Янгиқўрғон туман судининг 2025 йил 24 октябрдаги Х.Ага нисбатан чиқарилган ҳукми қонунга мувофиқлаштирилган ҳолда ўзгартирилсин.

Х.Ага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,в,г” бандлари билан 45-моддаси қўллаб, 1 йил 6 ой мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 57-моддаси қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида 37.500.000 сўм жарима жазоси, 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида 2 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 110 баравари миқдорида 41.250.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

ЖКнинг 62-моддаси тартибида Х.Анинг 2025 йил 16 августдан 18 августгача дастлабки қамоқда, 2025 йил 18 августдан 24 октябргача уй қамоғида, 2025 йил 24 октябрдан 26 ноябрга қадар қамоқда сақланган 3 ой 10 кунининг ҳар бир кунини базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган жарима жазосидан чегириб, ўташ учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 60 баравари миқдорида 22.500.000 сўм жарима жазоси қолдирилсин.

Жарима давлат даромадига ундирилсин.

ЖКнинг 61-моддасига асосан тайинланган жазолар турлича бўлгани сабабли ҳар қайсиси алоҳида ижро этилсин.

Х.А дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Наманган вилоят ИИБнинг депозит ҳисоб рақамига топширилган



110.000.000 сўм пуллардан жабрланганлар Х.Уга 30.529.330 сўм, С.Нга 18.625.000 сўм, У.Ига 12.658.660 сўм, Н.Хга 8.149.000 сўм, Т.Бга 40.000.000 сўм олиб берилсин.

Жабрланганлар Х.У, С.Н, У.И, Н.Х ва Т.Бга етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани инобатга олинсин, ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция шикояти қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи:

А.Инамов

Ҳайъат судьялари:

Д.Мадаминов

Ш.Қурбонов

